O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
11 IYUL
PAYSHANBA
№ 86 (26.945)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган республика «Маънавият ва маърифат» кенгашининг навбатдаги мажлисида маданият, таълим-тарбия соҳаси ходимлари, ижодкор зиёлилар, ноширлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Мажлисда маънавият ва маърифат ташкилотлари ҳамда матбуот, радио-телевидениенинг жамиятимиз ҳаётини эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичидаги ўрни ва роли билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур кенгаш раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султоновнинг жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг янги босқичида маънавият ва маърифат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Маърузада мамлакатимиз Президенти ўзининг кейинги пайтдаги қатор чиқишларида, айниқса, маънавият ва маърифат намояндалари, журналистлар билан бўлган учрашувларда бу масалалар бўйича белгилаб берган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаб ўтилдики, одамларни бугун дунёда рўй бераётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардор қилиш, ҳозирги куннинг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш, уларнинг ён-атрофимизда бўлаётган воқеалардан тўғри хулосалар чиқариши учун кўмаклашиш маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ходимларининг энг муҳим вазифаси, профессионал бурчи ҳисобланади.

Лекин, афсуски, бугунги кунда бу борадаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, матбуотда, радио-телевидениеда бирёқлама ва саёз фикрлар, баландпарвоз гаплар устунлик қилмоқда, аксарият журналист ва шарҳловчилар фаолиятида профессионал маҳорат, билим ва журъат етишмайди.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин жаҳондаги сиёсий вазият кескин ўзгара бошлади. Табиийки, бу жараёнлар бизнинг минтақамизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бироқ бизнинг матбуотимиз саҳифаларида, радио-телевидение тўлқинларида халқаро майдондаги ана шу жараёнларни теран таҳлил ва талқин қилиш борасида ҳам оқсоқлик сезилмоқда.

Шунингдек, мажлис қатнашчилари томонидан жамиятимиз ҳаётида, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида рўй бераётган улкан ўзгаришларни кино ва театр санъатида, рангтасвир асарларида, бадиий адабиётда тўлақонли акс эттириш, бу ютуқларнинг бунёдкори бўлган замонавий қаҳрамон образини яратиш барча ижодкорларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаётгани яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, сўз эркинлиги тамойили ҳаётга кенг жорий этилаётган ҳозирги шароит ҳар бир ижодкордан, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларидан ижтимоий фаолликни, профессионал маҳорат, журъат ва қатъиятни талаб қилади, бинобарин, матбуотда айтилаётган ҳар бир фикр чуқур асосланган бўлиши зарур.

Бу масалада журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари қанчалик катта бўлса, масъулият ва мажбурияти ҳам шунчалик юксак бўлмоғи лозим.

■ (ЎзА)

РОССИЯЛИКЛАР ҚОЙИЛ ҚОЛИШДИ

Россиянинг Уфа шаҳрида «Анестезиология, реаниматология ва болалар жаррохлигининг долзарб муаммолари» мавзуида Россия талаба-ёшларининг анъанавий IX илмий конференциясида Белорусия, Украина, Қозоғистон мамлакати талаба-ёшлари қатори Ўзбекистондан Самарқанд давлат тиббиёт институти талабалари ҳам таклиф этилган эди.

Уч кун давом этган ушбу нуфузли анжуманда анестезиология, реаниматология, болаларда қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси, йирингли касалликлар, урологик ва травматологик касалликларга оид турли мавзуларда 206 талаба томонидан 199 та маъруза тингланди.

Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-жаррохлик кафедраси (мудири профессор А.Шамсиев) томонидан иштирок этган 6 нафар талабанинг маърузаларидан 4 таси I, II, III даражали Дипломлар билан тақдирланди. Умумий ҳисобда эса институт талабалари сермазмун илмий маърузалари учун анжуманнинг энг юқори мукофоти — Олтин медаль билан тақдирландилар.

6-курс талабаси Сухроб Зайниев энг яхши маруза-чи, Наира Давидян энг ёш иштирокчи, профессор А.Шамсиев энг яхши кафедра мудири ва ташкилотчи, кафедра доценти Ш.Юсупов энг яхши тўгарак раҳбари, деб топилиб қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирландилар.

Институт маъмурияти Россияда ўтказилган анжуманда иштирок этиб қайтган 6 нафар талабага — Вадим Гришаев, Сухроб Зайниев, Сергей Лавягин, Азиза Одилова, Владимир Ветров, Наира Давидянларнинг ҳар бирига 50 минг сўмдан мукофот ҳам берди.

■ Қаҳрамон БЕРДИЕВ

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида наинки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга, балки, корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам астойдил ҳаракат қилиняпти. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган нитрон толаси асосий валюта манбаи бўлиб қолди. Нитрон толасидан олинаётган калава ипларнинг бозори чаққон. Мамлакатимизнинг гиламчилик корхоналари эҳтиёжидан ортиб қолган маҳсулот хорижлик харидорларга сотиляпти. Минг киши меҳнат қиладиган «Нитрон» заводи ҳозир бир кечакундузда 42-45 тоннадан тола ишлаб чиқаряпти.

Хорижий истеъмолчиларга ўтган йили 11,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотилди. Улар орасида МДҲ мамлакатлари — Россия, Украина, Белорусия, Қирғизистон, Тожикистондан ташқари Эрон, Покистон, Миср, Туркия, Финляндия, Афғонистон, Венгрия, Хитой давлатлари ҳам бор. Шунингдек, Япония, Италия сингари давлатларнинг қатор компания ва фирмаларига ҳам нитрон толаси, ингичка ҳамда қалин калава иплари етказиб берилди.

Шуниси қувончлики, «Навоиазот»да гилам ва поёндозлар ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсатяпти. Корхонанинг ўнлаб чевар қизлари Хива гилам комбинатига бориб, бу нозик касб сирларини пухта ўрганиб қайтишди.

Ҳозир бу ерда тўқилаётган бир-биридан бежирим гиламларнинг харидори кўп. Боз устига хомашё — нитрон калаваси бирлашманинг ўзида тайёрланганги боис маҳсулот таннархи арзон бўлаётир. Палос, поянДоз, енгил автомобиллар учун ғилоф сингари жиҳозларга эса мижозлар навбат кутиб турибди.

✧✧✧

Суратларда: 1. Ип ўровчи Феруза Камолова. 2. Уста Олим Гадоев билан гилам тўқувчи Шоира Мустафоева. 3. Илғор ишчи Гулшан Шодиева.

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

DUNYO

VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Маълумки, ўтган ҳафтанинг душанбасида АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи самолётлари Афғонистоннинг Урузган қишлоғида ўтаётган тўй тантанасини ҳам янглиш бомбардимон қилган ва натижада тинч аҳоли орасида 48 киши ҳаётдан кўз юмган эди. Шу муносабат билан АҚШ Президенти Жорж Буш Афғонистон Президенти Ҳамид Карзайга қўнғироқ қилиб, чуқур таъзия изҳор этди ҳамда ҳамдардлик билдирди. «Энди бундай воқеа содир бўлмаслигига умид билдираман. АҚШ Афғонистоннинг қудратли ҳамкори ва доим у билан ёнма-ён бўлади», деди Президент Буш.

Кобул радиосининг хабарига кўра, АҚШ Президенти фожиа сабаб жигаргўшасини йўқотган оилаларга ҳам ҳамдардлик билдирди.

Фожиа сабабларини аниқлаш ишлари кетмоқда.

Дарвоқе, АҚШ Афғонистоннинг Урузган қишлоғига инсонпарварлик ёрдами жунатишни режалаб турибди.

Ҳозирча Афғонистон ҳукумати жабрланган оилаларга 18,5 минг АҚШ доллари миқдорида товон пули ажратди. Ўз жигаргўшасидан айрилган оилаларга 200 доллардан, жароҳат олган оилаларга эса 75 доллардан тўланди.

Яраланганлар 118 нафарни ташкил этади.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Жанубий Корея ва Япония ҳукуматлари янги эркин савдо зонасини барпо этиш бўйича музокара бошлади. Сеул учрашуви иштирокчилари давлатлараро битимнинг лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

Маълум бўлишича, янги зонанинг ялпи ички маҳсулоти беш триллион АҚШ долларига тенг бўлади. Савдо жараёнида икки томондан жами 170 миллион киши иштирок этиши кутилмоқда.

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун ва Япония бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми мазкур масала юзасидан музокара ўтказишни аввалдан режалаштирган эди.

Икки қўшни мамлакатнинг мақсади ягона бўлишига қарамай, иқтисодий масалалар борасида билдирилаётган айрим фикрлар бир жойдан чиқмаяпти. Масалан, Жанубий Корея бож тўловларини жорий қилиш тарафдори. Бу мамлакат саноати, хусусан электроника соҳасини барқарор ушлаб туриш учун ниҳоятда муҳим. Япония эса электроника соҳасида оёққа мустаҳкам туриб олгани боис салбий ўзгаришлар рўй беришидан чўчимайди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Испаниянинг Барселона шаҳрида ОИТС касаллигига қарши курашга бағишланган халқаро конференция давом этмоқда. БМТ шафеълигида қарийб бир ҳафта бўладиган мазкур анжуманда аср вабоси билан курашда ривожланаётган мамлакатларга ёрдамни янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда.

Конференция ташкилотчилари касалликнинг олдини олиш учун ишлаб чиқилган саккиз босқичли янги дастурни тақдим этди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, ОИТС вирусини юқтираётганлар йилига тахминан тўрт миллионга кўпаймоқда. Агар касаллик шу ўсишда давом этса, бу кўрсаткич 2007 йилга бориб 5 миллионга етади. Агар чора кўрилса, бу миқдор 1,5 миллионгача қисқариши мумкин.

ОИТСга қарши кураш дастурларини амалга ошириш учун йилига 10 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағ зарур бўлади. Ҳозир бу рақам 3 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда, холос.

Анжуманда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган қатор компаниялар ОИТСга қарши янги вакцина ишлаб чиқиш тадқиқотлари натижаларини ҳам намойиш этди.

ДОН — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Давлат қабул пунктларига 267 минг тоннадан зиёд сара дон топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 44 центнерни ташкил этди. Мавжуд фермер хўжаликлари ва оилавий пудратчиларнинг кўпчилигида бу кўрсаткич 60-70 центнерданга тўғри келди.

Ўрим-йиғим техникаси воситаларининг мавсумга барвақт шай қилиб қўйилганлиги боис режа 20 иш кунида уддаланди. Қибрай, Янгийўл, Паркент, Тошкент, Пскент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари хўжаликларида 60-65 центнерлик самарадорликка эришилди.

Марра эгалланган бўлса-да, далаларда ўрим-йиғим суръати бир зум ҳам сусайгани йўқ. «Халқ ризқи — доннинг ҳар бир бошоғини увол қилмай йиғиб оламиз!». Вилоят ғаллакорларнинг аҳди шундай.

■ Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: Ўртачирчиқ туманидаги А. Икромов номли ширкат хўжалиги далаларида.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Ғалла етиштириш соҳасида қатор йиллар сурункали қолоқликда келаётган Шароф Рашидов тумани деҳқонлари бу йил Сирдарё вилоятида биринчилардан бўлиб давлатга дон сотиш шартномавий режасини бажардилар.

Мамлакат хирмонига 29 минг 500 тонна сара дон тўккан туман миришкорларининг эришган бу ютуғида Темир Малик номли, Шароф Рашидов, Ғафур Ғулом номли, «Бахмал», «Истиқлол» каби хўжаликларнинг ҳиссаси катта бўлди. Мазкур хўжаликларда гектар бошига 30-35 центнердан ҳосил олинди. «Сангзор», «Ўтабой», «Достон», «Соғлом авлод учун», А. Қодирий номли фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 40-45 центнерга етди.

— Далаларда ҳали ҳосил мўл. Ўрим давом этмоқда. Давлатга яна режадан ташқари 1 минг 500 тонна дон топшириб, умумий хирмон салмоғини 31 минг тоннага етказиш ниятидамиз, — дейишмоқда туман ғаллакорлари.

■ Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

11 МУСТАҚИЛЛИК ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИНГ БОР БЎЛСИН, ЭЛИМ!

«Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилайлик. «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитади. Қулоғига гап кирмайди...»

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кезларда айтган бу сўзлар республикамизда Ғалла мустақиллиги учун бошланган курашнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб берган эди.

Ўн бир йил мобайнида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлгани сингари қийин ва мураккаб синовларни бошдан кечирди: гоҳ об-ҳаво ноқулай келди, гоҳ сув тақчиллиги... Лекин тажрибага бой деҳқонларимиз халқимиз орзу қилган ғалла мустақиллигини қадамбақадам рўёбга чиқардилар. Бунга шу йил яратилган улкан ғалла хирмонларимиз ёрқин мисолдир.

Бугун газетамизнинг 2-саҳифасида мамлакатимизда ғалла мустақиллиги учун олиб борилган кураш ҳақида ҳикоя қилувчи мақола билан танишасиз.

КАМОНДАН ЎҚ ОТИШ

ПУСАНГА КИМЛАР БОРАДИ?



Шу йилнинг кузида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Кеча Марказий ҳарбий спорт клуби мажмуида якунланган Ўзбекистон кубоги баҳслари ана шу нуфузли мусобақада иштирок этадиган юртимиз ёйандозлари номини аниқлаб берди.

Уч кун давом этган қизиқарли беллашувларда пойтахт вакилларидан ташқари Самарқанд, Бухоро вилоятларидан ташриф буюрган эллик нафарга яқин спортчи қатнашди. Қизлар ўртасида ўтган мусобақаларда барча босқичларда муваффақият қозонган Валерия Кириленко (Тошкент) биринчи ўринни эгаллади. Роза Назирова (Самарқанд), Амалия Усмонова (Тошкент)лар эса кейинги фахрли ўринларга муносиб топилдилар.

Эркаклар ўртасида кечган баҳслар кескин рухда ўтди. Чунки бу мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар Пусанда ўтадиган қитъа олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши лозим эди. Йўлланмалар эса спорт усталари — самарқандлик Амет Умеров, бухоролик Замир Аҳмедов ҳамда тошкентлик Элдор Сайфуллинлардан иборат кучли учликка насиб этди.

■ Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: Ўзбекистон кубоги баҳсларидан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Ислом КАРИМОВ:

«Республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИга эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча... Дон мустақиллигига эришиш... бу жуда муҳим якундир».

Июнь ойининг биринчи ўн кунлиги эди. Сурхондарёдан телеграмма келди: «Қизириқ ва Жарқўрғон туманлари давлатга дон топшириш шартномавий режаларини бажарди...»

Орадан 7 кун ўтиб воҳадан яна хушхабар таралди: «Вилоятнинг бирйўла уч тумани — Шеробод, Музработ, Сариосиё ғаллакорлари зафар қучди...»

Гал энди вилоятнинг ўзига келганди. Воҳа деҳқонлари республикада биринчи бўлиб, давлат хирмонига 224 минг 800 тоннадан зиёд сара дон тўкдилар.

Шундан сўнг республикамизнинг ўнлаб туманлари, вилоятлари марра сари «от солиб» кела бошлади... Самарқанд, Наманган, Бухоро, Фарғона, Тошкент...

Бири-биридан салмоқли, залворли, қувончли ва фарахли бу хушхабарлар оқимининг тезлиги кейин-кейин ҳар кун, ҳар соатга айланди... Эшитган қулоқ борки, ҳар сафар беихтиёр тўлқинланиб, ҳаяжонланиб кетади. Кўз олдингизга бундан ўн бир йил муқаддам четдан ташиб келтириладиган дон, мамлакат бўйлаб одамларнинг то супасининг остига қадар чигит қадалган далалар келарди-да...

Мамлакатимиз Мустақиллигининг илк кезлари, аниқроғи, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида республикамизда кўп нарсаларда узилиш бўлган пайтлар ёдга тушади. Унгача, 74 йил ўзбек халқи, Ўзбекистон тақдири собиқ иттифоқ қўлида бўлди. Москва маҳсулотимизни ҳам, хомашёмизни ҳам ботмон-ботмонлаб олиб кетди. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси ўзимизга сув билан ҳаводек зарур эди. Канададан, Америкадан ҳар йили миллион-миллион тонна ғалла сотиб олиб, бизга садақа қилгандай муайян миқдорингина берарди... Иттифоқ парчаланиб кетгач, қийин аҳволда қолдик. Иқтисодчиларимиз йиллик эҳтиёжимизни ҳисоблаб, 6 миллион тонна ғалла кераклигини айтишди. Лекин, олдимизда уни қаердан, қайси маблағга, қанчага олиб келиш муаммоси турарди. Эндигина мустақил бўлган пайтимиз, валюта қаерда эди? Ким ҳам берарди.

Президентимиз Ислом Каримов (1992 йилнинг июль ойи бошида) XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида шундай деган эди: **«...жуда оғир аҳволга тушиб, накд очарчилик остонасида турибмиз... Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди...»**

Бу гаплар ортида катта муаммо, ташвиш, вазифа ётарди.

Ўша кездаги статистик маълумотга кўра, аҳолиси йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш осон иш эмасди, албатта. Хусусан, валюта топиш — муаммоларнинг муаммоси эди. Юртбошимиз ўша сессияда қилган маърузасида образли қилиб, **«дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди»** дегани ҳам ёдимизда.

Ўша даврдаги аҳволни тўлароқ кўз ўнгимизга келтириш, яна бир бор ҳис этиш учун газета тахламларини варақладик.

Кўп-кўп воқеа-ҳодисалар хотирамизда тикланди. Ўша сессияда Ислом Каримовнинг халқ ноибларига қараб айтган мана бу сўзларини ўқиймиз. **«Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз — кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб кетмайдими?**

...Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум. Лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади... Биз айрим давлатларга ўхшаб садақага қўл чўзиб турганимиз йўқ...»

Одамда ҳам мулоҳаза, ҳам ғурур уйғотадиган сўзлар бу! Чиндан ҳам ўшанда иқтисодий танглик исканжасида эдик. Бундай тангликда низо чиқариш ҳам жуда осон эди. Бўлди-ям. Фарғона, Бўка, Паркент... Гугурт чақилса бас, хўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин бўлган давр эди. Биласиз, жойларда фуқаролар тўқнашуви юз бериб, одамлар нобуд бўлди, қон тўкилди. Халқ хўжалиги юз миллиардлаб сўм зарар кўрди, мол-ҳол қаровсиз қолди, далаларга экин экилмади, дўл, сел, зилзила... Дўконларда пештахталар бўш... Халқнинг тинкаси қуриётувди...

Эслайсизми, ўшанда устига-устак, ўзини «мухолифат» деб эълон қилган шуҳратпарастлар, сохта демократлар пайдо бўлди

Улар иқтисодий қийинчилик, ишсизлик оқибатида одамларда аланга олиб бораётган норозилик кайфиятларидан фойдаланишга, тўс-тўполонни бошлаб юборишга ҳаракат қилишарди.

Яна бир нарсага эътибор қилинг, ўша кунлари (шу давр баҳосида) Бишкекда бир килограмм ун 17 рублга, бир буханка нон 9-10 рублга чиққанди. Бизда эса ўшандаям ун, нон барибир нисбатан арзон эди. Чунки биз, ўша оғир кунларданоқ одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш тўғрисида ўйладик. Ҳали шўро ҳукумати давридаёқ собиқ марказдан сўрамасдан қишлоқ одамларига томорқа учун ер берила бошланганди. Бу — чинакам жасоратли қадам эди. Натижада, одамларнинг — ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тугатилиб, ер олган киши даромад ола бошлади, ўзини хўжайин деб, эркин деб, мустақил деб ҳис қила бошлади.

Кейин-кейин иқтисодий усуллар — масалан, етиштирилган пахта, дон ва сабзавот маҳсулотларининг харид нархларини ошириш йўли билан одамларни рағбатлантириш, «пахта якка ҳокимлиги»дан қутулиб, бўшаган майдонларга кўпроқ ғалла, дон экиш сиёсатини амалга оширишга киришдик. Ўша даврда четдан келтирилган бир тонна ғалла йўл харажатлари билан бирга бизга 190 АҚШ долларига тушаётувди! Мамлакатда дон мустақиллигига эришиш шиори ўртага ташланди. **«Республика бўйича 40 центнердан ғалла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа,** — деган ғоя билан чиқди Президентимиз. — **Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча».**

1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилга қараганда 44 фоиз кўп дон етиштирилди. 1995 йилда барча турдаги хўжаликларда 4,4 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан 3,5 миллион тоннадан ортиқ бошоқли дон етиштириш мўлжалланди. Бунга эришдик ҳам. Ўша йили пахта ва ем-хашак экинларидан бўшатиб олинган ерлардан фойдаланиш ҳисобига дон сепиладиган майдонлар ҳажми 1 миллион 472 минг гектарга етказилди. Бунинг 972 минг гектари суғориладиган майдонлар эди...

Тўғри, кейинги йилларда табиий қийинчиликлар бўлди. Қурғоқчилик — ерни ҳам қийнади, элни ҳам. Ҳосилдорлик пасайиб кетди, бир қадар кўзланган мақсадларга эришилмади, қолаверса, техника воситалари ва минерал ўғитлар етишмаган пайтлар бўлди. Лекин, сабрли, қаноатли халқимиз ҳаммасига чидади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам умид билан тер тўкаверди.

Мана, кўриб турибсиз, Мустақилликнинг 11 йиллиги ўрим-йиғимида кечагача 4 миллион 146 минг тоннадан ортиқ дон ўриб-йиғиб олинди. Деҳқонларимиз энди 4,5 миллион тонналик маррани кўзлашяпти. Аҳоли тармоқларида ҳам етиштириладиган ғаллани қўшиб ҳисобласак, наздимизда, бу йил республикамиз аҳли 5 миллион тонна атрофида дон олиши эҳтимоли ҳам бор.

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Жомбой, Иштихон туманларида ҳар гектар майдондан 51-52 центнердан хирмон кўтарилди ва вилоятнинг ялпи хирмон салмоғи 232 минг тоннага етказилди. Вилоятда суғориладиган майдонлардан 50 центнердан юқори, лалми ерлардан эса 10 центнердан зиёд дон йиғиштириб олинди. Бу каби мисолларни мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва туманларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шу кунларда ғаллакорлар ялпи хирмон салмоғини 4,5 миллион тоннадан ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар... »

Бу ютуқларга, бу кунларга етиш осон кечмади. Бошида Ўзбекистонда ғалла ўстириш фойда келтирмайди, ўзбекларда ғаллачилик бўйича тажриба йўқ, деганлар бўлди.

Йўқса, ота-боболаримиз шу азиз ўлкамиз тупроғида қадим қадимдан дон етиштириб келишган. Сир эмас-ку! Ҳатто энг оғир паллаларда ҳам четдан ғалла сўрамаган улар.

Қачонки, истибдод йиллари бошланди-ю, мустамлакачилар кўзига бу ерларда ғалла эмас, пахта экиш фойдалироқ, маъқулроқ кўринди. Қарашса, гавҳардек ер, зардек сув, текин ишчи кучи, ҳар нарсага қодир одамлар...

Гапнинг рости, тасаввуримизда, ҳозир мамлакатимизнинг олис-олис қишлоқлари ҳовлиларида гуриллаб ёнаётган оловлар, бозиллаган чўғда қизиган тандирларда қўлларига рапида кийиб олиб, нон ёпаётган уй бекалари, қип-қизариб пишган баркашдек-баркашдек нонларнинг узиб олинаётгани — ҳамма-ҳаммаси жонланаяпти. Оналаримиз, опа-сингилларимиз ва янгаларимизнинг гўдакларини суюнтириш учун ёпган тешик кулчалари ҳам кўз олдимизга келаяпти.

Кўпчилигингиз «Тошкент — нон шаҳри» деган (Александр Неверовники) китобни ўқиган бўлсангиз керак. Китобда ёзувчи шўро инқилобидан кейин — 20-йиллар очарчилигини Волгабўйилик бир деҳқон оиласи мисолида ўта даҳшатли тасвирлайди: **«Бобоси ўлди, бувиси ўлди, кейин отаси ўлди... Онаси очликдан касалга чалинди... Эртаю-кеч йиғлайди, очликнинг эса сира-сира раҳми келмайди. Шу кунларда ўлди-ўлди кўпайиб кетган. Гоҳ куни битта, гоҳ куни иккита ўлик қабристонга олиб борилади. Михаил амаки ҳам, Марина хола ҳам вафот этди. Ҳар хонадонда ўлик кўмиш учун тайёргарлик боради. От ва сигирларни еб бўлишгач, навбат ит ва мушукларга келди...»**

...Мана, худди шу ерда **«Ғалласи бор уйнинг — алласи ҳам бор»** деган халқимизнинг нақли мағзини чаққандек бўласиз. Ҳа, нон бор уйда — очлик йўқ, йиғи йўқ. Гўдаклар бешикда тинч ухлайди, уларга алла айтилади, қўшиқ айтилади...

Оқил халқимиз ҳар доим бирор нарсага ихлос билан таъриф берса: «Нондек азиз», «Нондек мўътабар», «Нондек муқаддас» дея «**НОН**» сўзини албатта қўшиб айтади... Меҳмон келса, нон билан пешвоз чиқади. Ўғлонлар сафарга чиқса ё бурчини ўташ учун хизматга йўл олса, нон тишлатади. Куда бўлмоққа совчилар келса, нон ушатилади. Мурғак гўдакнинг ҳам тилига келган илк сўзларидан бири — нон бўлади. Ҳатто ушоғини ердан олаётиб ҳам аввал пешонасига суртади...

Баъзида чойхоналарда, ошхоналарда одамлар овқатланиб бўлиб, ортиб қолган нон бурдаларини ўзи билан бирга олиб кетаётганини кўрсангиз, тўғриси, суюниб кетасиз. Чунки, ўша одам ҳеч қачон «нонга пулим кетган» деган важ билан эмас, мутлақо бундай эмас, балки, нонни дунёнинг энг азиз ва буюк мўъжизаси деб билгани, улуғлагани, увол қилмаслик кераклигини тушунгани учун ҳам шундай қилади. Нон — шундай улуғ неъматки, балки шунинг учундир, инсон туғилиб, то кўз юмгунча ёлғиз нонгина кўнгилга урмайди.

Мамлакатимиз Гербига қаранг: ғалла бошоғи тасвири туширилган. Бу ҳам ўзбек халқининг, ўзбекистонликларнинг ғаллага, донга, нонга алоҳида ҳурмат, муҳаббат, эътиқод билан қараши ифодаси эмасми?..

Одамлар коинотга чиқди, дарёларни жиловлади, компьютерларни ўйлаб топди, роботлар яратди, ер қаъридан маъданлар олди, денгизлару океанларни забт этди... Ғалла эса ғаллалигича қолди, қолаверади. У — инсониятнинг энг биринчи ҳаёт манбаи ва иқтисодиётнинг асосий ўзаги, негизи ахир!

Мозийдан сўзлаган академик шоиримиз Ғафур Ғуломни тингланг:

Беш миллион,
Ўн миллион,
Юз миллион нафар,
Куллар ва туллар,
Гарданда чўяндан қуйилган
занжир,
Ерларда ҳашарот каби
очликдан,
зорликдан гезариб лаби,
Ожиз,
маҳкум,
хор ва бетадбир;
— Нон, — дея
— Нон, — дея
Суруниб кечмишдир...

Шуларнинг ҳаммасини ўйласангиз, Мустақилликнинг қадрини чуқурроқ тушуниб олавергандек, Мустақиллик берган энг олий неъматлардан бири — Ғалла мустақиллиги ва бу мустақилликнинг ижодкори — Юртбошимизнинг бундан ўн йил муқаддам ғалла мустақиллиги ғояси ҳақида куюниб айтган гаплари мазмун-моҳиятини теран ва янада теранроқ англайвергандек бўлаверасиз.

Тунов куни бир даврада бугунги ғалла ҳақида гап кетганда, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган ҳамсуҳбатимиз оҳиста шундай деди: «Уруш йиллари биз фақат икки нарсани ўйлардик, — деган эди у. — Тирик қолиш насиб этармикин? Уйга қайтиб, бола-чақаларимиз билан биргаликда тўйиб-тўйиб нон ермиканмиз...»

Нон ҳақида яна кўплаб воқеалар, ҳикматларни мисол келтириш мумкин. Аммо бугун бизнинг қалбимизга кувонч, ғурур бағишлаётган янгилик, воқеа, ҳодиса — бу омборларимиз ғаллага тўлаётгани, тандирларда ширмой нонлар тўлиб ёпилаётгани, хирмонимиз янада юксалаётганидандир.

Булар ҳаммаси энг улуғ, энг азиз неъмат — мустақиллик шарофатидан эканлигини англаш, ҳис этишнинг ўзи ҳам бахт!

■ **Шерқул ШОДМОНОВ,**
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИНГ БОР БЎЛСИН, ЭЛИМ!

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР, РАҚАМЛАР

- **1995 йилда дон бўйича давлат буюртмаси 50 фоизгача қисқартирилди. Яқин йиллар ичида уни бутунлай бекор қилиш вазифаси қўйилган.**
- **Дон ҳосилининг харид нархини жаҳон нархлари даражасига босқичма-босқич етказиш 1995 йилдан бошланди.**
- **1994 йилдаёқ 1993 йилга нисбатан республикада фермер хўжаликлари экинзорлари майдони 2,7 баравар ортиб, уларда дон етиштириш 3 баравар кўпайди.**
- **Дончиликни ривожлантириш, унга агросервис хизмати кўрсатиш, етарли миқдорда техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш йўлида бугунги кунда мамлакатимиз хўжаликларида машина-трактор парклари — МТПлар ташкил этилиб, улар «Кейс» комбайнлари ҳамда «Магнум» тракторлари билан бойитилди.**
- **Республика Молия вазирлиги қошида ташкил этилган давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб ишлари бўйича махсус жамғарма 1999 йилнинг ўзида биргина ғалла учун 48 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратди.**

МАМЛАКАТДА 1991-2002 ЙИЛЛАРДА БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР БЎЙИЧА ДОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

(барча тоифадаги хўжаликлар бўйича)



*** — тозаланган ҳолда (рақамлар республика Макроиқтисодиёт вазирлигидан олинган)**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Матбуот хизмати хабарномасидан:

«...Республикамиз деҳқонлари учун бу йил чинакам «ғалла йили» бўлди. Муваффақиятлар замирида, аввало, она ерга меҳрини берган ғаллакорларимизнинг жасоратли меҳнати, иқтисодий ислоҳотларни чуқур англаш, соҳада замонавий илғор технологияларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, турли тупроқ шароитига мос ғалла навларини оқилона жойлаштириш каби машаққатли саъй-ҳаракатлар мужассам.

Мустақиллик йилларида пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига бирдек эътибор қаратилди. Дастлабки йилларда 770, 2 минг гектар ерга бошоқли дон экинлари экилиб, ўртача ҳосилдорлик 15 центнер атрофида — 1 миллион тонна дон етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич йил сайин юксалиб борди. 1996 йилги мавсумда республика тарихида илк бор 1 миллион 200 минг гектар суғориладиган майдонга бошоқли дон экинлари экилди ва гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 22.6 центнерга етди. Олиб борилган илмий изланишлар, илғор хўжаликлар ва деҳқонларнинг амалий тажрибалари республикамизда суғориладиган майдонларда ҳосилдорликни 40-45 центнерга етказиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатди.

Тармокда қўлга киритилган ютуқларни ҳар бир вилоят мисолида кўриш мумкин. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари деҳқонлари уйган хирмон, айниқса, баракали бўлди. Бухоролик ғаллакорлар давлат қабул пунктларига ҳозиргача (6 июлга бўлган маълумот!) 140 минг тоннадан ортиқ дон топширдилар. Мавсум давомида далаларда 98 та «Кейс» ва бошқа комбайнлар юқори унум билан ишлатилди. Ромитан, Шофиркон, Бухоро туманларида ҳосилдорлик гектар бошига 47-51 центнерни ташкил этди.

РЕФЕРЕНДУМ: ДАВЛАТ ВА ИСЛОҲОТ

Биз нега икки палатали парламент тизимига ўтяпмиз? Унинг афзалликлари нималардан иборат? Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси билан Олий Мажлис Сенати ўртасидаги асосий фарқ нималарда кўринади? Қонунчилик палатасига депутат сайлаш билан Сенат аъзосини сайлаш қоидалари ўртасида қандай фарқлар мавжуд? Икки палатали парламент тизими қонунлар қабул қилишни такомиллаштиришда қандай омил бўла олади?..

Бу саволлар бозор иқтисодиётига асосланган демократик тизимни шакллантираётган давлат фуқароларини қизиқтириши табиий.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида ўтказган илмий-амалий семинарда шу масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари, филология фанлари номзоди Султонмурод Олим, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бўлим мудири, юридик фанлари номзоди Марат Ғуломов, Ўзбекистон радиоси таҳририяти мудири, халқаро шарҳловчи Ғафур Жамолов, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари, профессор Ўрол Носировлар маърузалари тингланди.

— Бундай учрашувлар фуқароларда жамият тараққиётига дахлдорлик ҳиссини кучайтириб, уларни ижтимоий фаолликка чорлайди, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Шарафиддин Каримов.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар иштирокидаги бундай семинар, мулоқот ва давра суҳбатларини мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказишни режалаштирган.

■ **Мурод ҲОШИМОВ**

Яқинда пойтахтимизнинг «Ўзбекистон Миллий боғи»да «Гиёҳвандлик — аср вабоси» шиори билан мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари иштирокида тадбир ўтказилди.

Ўқувчиларнинг «Сўнгги нажот йўқ» деб номлан-

ЎҚУВЧИЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

ган саҳна кўриниши ташриф буюрган ёшларда бу иллатга қарши нафрат туйғуларини янада кучайтирди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва шифокорлар маърузаларида инсоният кушандаси бўлган бу иллатнинг нақадар хавфли эканлиги ҳақида ҳаётий мисоллар келтирилди.

Ўқувчиларга буюк келажакни фақат маънан ва жисмонан соғлом авлодгина қура олиши мумкинлиги ҳақида сабоқ берилди.

■ **Узро КАМИЛОВА**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Пскент ва Чортоқ туман кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган пленумларида ташкилий масала кўрилди. И.Эргашев ва И.Шарипов бошқа ишга ўтганликлари сабабли, улар ушбу партия кенгашлари биринчи котиби вазифасидан озод этилдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур кенгашлари биринчи котиблари этиб, тегишлича, Дилбар Комилова ва Зокиржон Вахобовлар сайландилар.

Пленумларда: Пскентда – Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов, туман ҳокими ўринбосарлари Р.Турғунбоева ва Б.Ниёзов, Чортоқда – Наманган вилоят партия кенгаши биринчи котиби М.Абдуллаева ва туман ҳокими М.Ҳасанов сўзга чиқдилар.

Ҳамза тумани партия кенгаши «Кумушкон» сиҳатгоҳида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг кўчма ўқув семинарини ўтказди. «Парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси» деган масала семинарнинг бош мавзуси бўлди. Унда сўзга чиққан туман партия кенгаши биринчи котиби Ш.Файзиев, 1-уйсозлик АЖ ва Сивец номидаги маҳалла бошланғич партия ташкилотлари котиблари О.Иброҳимов ҳамда А.Доросевич, туман ҳокимлиги халқ таълими бўлими услубчиси А.Гусейнова ва бошқалар мавзунинг муҳим жиҳатларини очишга ҳаракат қилдилар.

Беруний, Қораўзак ва Шуманай туманларидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотларида умумий мажлислар юксак савияда ўтаётир. Уларда ЎзХДП ташкилотларининг Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган ҳамда партиянинг Экологик дастурини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ вазифалари муҳокама этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар иштирок этаётган ушбу йиғилишларда партия ташкилотларидаги аҳвол, уларнинг фаолияти таҳлил қилиниб, навбатдаги долзарб вазифалар белгиланмоқда, партиядошлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида янада фаолроқ ҳаракат қилишга даъват этилмоқда.

Амударё тумани халқ таълими тизими ходимларидан 15 нафари, яқинда, Ўзбекистон ХДП сафига киришга истак билдирди. Улар Манғит шаҳридаги «Ғунча» болалар боғчаси бошланғич партия ташкилоти негизида, «Жамият тараққиётида Ўзбекистон ХДПнинг ўрни» мавзуида ўтказилган суҳбатда иштирок этгандан кейин шундай қарорга келганликларини билдирдилар. Туман партия кенгаши ўз тарғиботчилари кучи билан шунга ўхшаш тадбирларни бошқа бошланғич партия ташкилотларида ҳам уюштирмоқда.

Учқўрғон туман партия кенгаши ходимлари иштирокида «Андижон», «Яшиқобод» ва Охунбобоев номидаги ширкат хўжаликларида «Ўзбекистон ХДП кунлари» бўлиб ўтди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Сирдарё туманидаги «Малик» ширкатлар хўжалиги бошланғич партия ташкилотида «давра суҳбати» ўтказилди. Унда республика Олий Мажлиси VIII сессиясида қабул қилинган қонунлар, хусусан парламент ислоҳотига доир ҳужжатлари ижросининг бориши, ушбу жараёнда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг иштироки хусусида сўз борди.

Ўзбекистон ХДП Тўрткўл туман кенгаши қошида фермерлар учун Маслаҳат маркази ташкил қилинди. Марказ мутахассис ва ҳуқуқшуносларни фермер хўжаликлари дуч келган муаммоларни ўрганиб, уларга тегишли маслаҳатлар берадилар, қийинчиликларни енгишга кўмаклашадилар. Ўзаро муносабатлар шартнома асосида олиб борилади. Яқинда Марказ фермер хўжаликлари вакиллари билан семинар-кенгаш ўтказиб, ўз фаолияти ҳақида уларга ахборот берди. Семинарда туман партия кенгаши биринчи котиби Х.Иболдуллаева ва туман Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси З.Раззоқов сўзга чиқдилар.

Чустда, жамоат ташкилотларини жалб этган ҳолда, ўтказилаётган «Чоршанба оқшоми» анъанавий учрашувларининг мавзулари ранг-баранг. **Ўзбекистон ХДП туман кенгаши** таклифи билан улар рўйхатига «Гиёҳвандликка қаршимиз!» мавзуси ҳам киритилди. Тадбирнинг хусусияти шундаки, унинг ўтказилишида ёшларнинг ўзлари фаол иштирок этадилар.

Партиямизнинг Қўқон шаҳар кенгаши эса, футбол Ўзбекистонда 1912 йилда илк қадамлар қўйган, ушбу шаҳарнинг марказий ўйингоҳини, ҳашар йўли билан таъмирлаш учун маблағ тўплашнинг ташаббусчиларидан бўлди. ХДП шаҳар кенгаши, ижроия бюронинг қарорига мувофиқ, ўйингоҳни таъмирлаш учун очилган махсус ҳисоб рақамига биринчилар қаторида маблағ ўтказди.

Ўзбекистон ХДП Жондор туман кенгаши туман «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда, партия фаоллари, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш тизимлари ходимлари иштирокидаги йиғилишни ўтказди. Унда жойларда маданий-маърифий ишларни кучайтириш, Олий Мажлис саккизинчи сессияси ҳужжатларини кенг тарғиб этиш, парламент ислоҳотининг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама тушунтириш масалалари муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

ХДП ҲАЁТИ

КЕКСАЛАРНИ АРДОҚЛАБ

Олтиариқ туманидаги «Ишонч» акциядорлик жамияти бошқаруви билан ЎзХДП бошланғич ташкилоти хайрли ишга қўл урди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан жамиятда узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан кишиларга қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди. Жамият бошқаруви ҳамда ХДП бошланғич ташкилоти қўшма қарори билан 26 нафар кишига йил давомида энг кам иш ҳақи миқдоридаги ойлик нафақа пули бериб бориляпти. Тумандаги Файзиобод болалар сиҳатгоҳи ХДП бошланғич ташкилотида эса ташкилот котиби Аҳмаджон Исмоиловни нафақага кузатиш маросими ўтказилди. ХДП Олтиариқ туман кенгаши А.Иброҳимовни фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совға билан тақдирлади.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Самарқанд вилоят стоматология поликлиникасида кўплаб тажрибали шифокорлар меҳнат қилади. Бу ерда даволаш усуллари энг замонавий тиббий асбоблар воситасида бажарилади.

Поликлиника шифокорлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институти олимлари билан тез-тез амалий ва услубий тажриба алмашиш борасида ҳамкорлик қиладилар. Яқинда франциялик таниқли стоматолог олим Жан Клод Превас ушбу поликлиникага ташриф буюрди. У шифокорларимиз маҳоратига юксак баҳо берди.

— Ҳар ойда минглаб беморга тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди поликлиника бош шифокори Абдукарим Баҳодиров. — Албатта, бундай муолажа жараёнлари биз шифокорлардан катта масъулият талаб этади.

✧✧✧

Суратларда: жарроҳ Арсен Гореев, шифокорлар мулоқоти, стоматолог-техниклар Зафар Эшмуродов ва Зокир Рўзибоев.

■ **Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**



БИР ТЎХТАМГА КЕЛИШОЛМАДИ

Ироқда БМТнинг халқаро ҳарбий инспекцияси ишини қайта ташкил этиш бўйича олиб борилган Ироқ — БМТ ўртасидаги музокаралар самарасиз якунланди. Бу ҳақда БМТ Бош котиби Кофи Аннан музокаралар олиб борилган Вена шаҳридан хабар қилди, дейилади Reuters ахборотида.

ҚАҲРАМОНЛИК УНВОНИ БЕРИЛДИ

Туркманистон парламенти мамлакат Президенти Сапармурод Ниёзовнинг марҳум онасига Туркманистон Қаҳрамони унвонини берди.

Президентнинг онаси 1948 йили Ашгабатда бўлган кучли зилзила натижасида икки ўғли билан оламдан кўз юмган эди.

Туркманистон Қаҳрамони унвони — республикадаги энг олий давлат мукофотидир. Уни биринчи бўлиб 1992 йилда Президент Сапармурод Ниёзов олган. Ва 2001 йил октябрда бу унвон унга бешинчи марта берилди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

ТЎФОН КЕТИДАН ТЎФОН

Якшанба куни Приморье ўлкаси Ramassun тўфонига дош беришга тўғри келган эди. Энди эса ундан ўн чандон кучли Chata'an тўфонини кутиб олиши лозимлиги кўриниб турибди. Негаки, об-ҳавони кузатиш марказининг хабарига кўра, Тинч океанининг тропик кенглигидан шимолга қараб секундига 45 метр тезликда Chata'an тўфони қутуриб келмоқда. Тўфон эпицентрида сув тўлқини 10 метргача кўтарилиши кутилмоқда.

«Тўфоннинг қайси «қаноти» Приморьени ялаб ўтади, буни вақт кўрсатади», дейишмоқда мутахассислар.

Худди шу тўфон сешанба куни Филиппин устидан ўтди. Натижада 22 киши оламдан кўз юмди, 37 киши жароҳатланди, 5 киши дом-даракси йўқолди. 24 мингга яқин одам ўз уйларини ташлаб, хавфсизроқ жойга яширинишга мажбур бўлди. Ҳозир уларнинг бир қисми Маниладаги эвакуация лагерида. Тўфон пайтида шамолнинг тезлиги соатига 215 километрга етди.

11 июль куни Японияннинг жанубидаги Окинава ороли шу тўфон қуршовида қолиши мумкин.

Тайванга эса бир ҳафтада иккинчи марта Nakri тўфони «ҳужум уюштирди». Кучли ёмғир аралаш шамол сув ва ҳаво транспорти ҳаракатига жиддий шикаст етказди. Шунингдек, иш жойлари ва мактаблар ҳам зарарланди. Тўфон пайтида шамолнинг тезлиги соатига 90 километрга етди.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

СУҒУРТА ХИЗМАТИ — ИНСОН МАНФААТИ

«Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади...»

(Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда).

Қонун талабига биноан ҳар бир юридик ҳужжат томонларнинг аниқ мақсадларини ўзида ифода этиши, унда кўрсатилган ҳамма шартларнинг ижро шароитларини ҳисобга олиши ва имзоланадиган ҳужжатларда ҳар икки томоннинг тўла манзилгоҳи, суғурта соҳаси, суғурта «риски» (соғлиги, жисмоний жиҳатдан камчиликлари) кўрсатилиши керак. Шартнома ҳуқуқий томондан тўғри бўлиб, томонлар ҳамма бўлим ва бандлар бўйича ягона фикрга келгандан кейингина тан олинади. Суғурталаш орқали ҳар бир мулк эгаси ўзига тааллуқли моддий бойликнинг ёнғин, сув тошқини сингари хавфлар ва турли хил салбий ҳодисалардан бехатар сақланишини мақсад қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида»ги янги Қонуни (2002 йил, 5 апрель) мамлакатимизда суғуртани ривожлантириш ва суғурта бозорини шакллантиришга ҳуқуқий имкониятлар берди. Унинг республикамиз ҳудудида амал қилиши фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талаблари қондирилишини кафолатлади.

Қонунга кўра, суғурта тўловлари шартномада кўрсатилган муддат давомида суғурта ҳолати юз берган тақдирда тўланади. Суғурта ҳолати юз берганлиги тўғрисидаги актни суғурталовчи ёки унинг ишончли вакили тузади. Суғурталовчи суғурта ҳолати юз берганлиги сабабларини мустақил ўрганиш ҳуқуқига эга бўлиши, ва суғурта ҳолати юз берганлиги тўғрисида корхона, ташкилот, банкларни бу сабаблардан хабардор қилиши лозим.

Суғуртачи томонидан суғурталанган шахс суғурта шартномасида кўрсатилган суммадан ортиқ пул маблағи ололмайди. Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда; суғуртачи билан суғурталанувчи ўртасида шартномада кўрсатилган шартлар тўла бажарилганда; суғурталанувчи томонидан белгиланган бадаллар кўрсатилган муддатда тўланмаган тақдирда; юридик шахс ҳисобланган суғурталанувчи фаолияти тугатилганда; жисмоний шахс ҳисобланган суғурталанувчи вафот этганда; суғурталанувчининг қонуний лицензияси амал қилиш муддати тугаганда ёки касод бўлган ҳолларда; суд томонидан суғурта шартномаси ҳақиқий деб топилмаганда.

Суғурта шартномаси суғурта ҳодисаси бўлгандан кейин тузилган бўлиб, суғурта объекти суғурта ҳодисаси ҳисобланмаган тақдирда, яъни сурункали касаллик, юқумли тери-таносил касалликлари юз берганда, суғурталовчининг аризасида ва лицензиясида суғурта тури ва томонларнинг реквизитлари кўрсатилмаган бўлса ҳақиқий ҳисобланмайди.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ва қайта рўйхатга олинмаган суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас. Уларнинг рухсатномасисиз суғурта фаолиятидан олинган даромадлар бюджет ҳисобига ўтказилади. Таъсис ҳужжатларидаги ҳар қандай ўзгаришлар албатта қайд қилиниши, рўйхатга олиш реестрига зарур ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Қонунда суғурта ташкилотлари рўйхатга олувчи органга тақдим этган маълумотларнинг тўғри бўлиши учун жавобгардир, деб таъкидланган. Маълумки, барча давлатларнинг суғурта тўғрисидаги қонунларида суғурта фаолиятини олиб бориш учун махсус рухсатнома талаб этилади. Республикамизда ҳам суғурта ташкилотларига фаолият олиб бориш учун рухсат бериш тўғрисида қонуннинг 29-моддасида «суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномани Давлат суғурта назорати беради», дейилган.

Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун суғурта ташкилотларига рухсатнома бериш тартибини давлат суғурта назорати белгилайди. Давлат суғурта назорати барча зарур ҳужжатларни олгандан кейин 30 кун мобайнида рухсатнома беради. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда худди шу муддат ичида раддия сабаблари суғурта ташкилотига хабар қилинади. Қонунда кўрсатиб берилган ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар ўз навбатида давлатнинг суғурта соҳасида фаолият кўрсатиш ваколати берилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Суғурталовчи қонунда кўрсатилган шартларни ўзида мужассамлаштирган шартнома имзоланганда шартномани суғурта полиси, сертификат билан бирга суғурта турини белгиловчи иловани ҳам қўшиб мижозга бериши шарт.

Суғуртанинг ихтиёрий ва шахсий турлари (шахсий суғурта, мулкий суғурта, жавобгарлик суғуртаси) суғурталанувчилар томонидан мустақил белгиланади. Ҳар бир суғурталанувчи қонунда кўрсатилган тартибда суғурталовчига суғурта ҳодисаси рўй берганлигини вақтида маълум қилиши лозим.

Шу ўринда суғурта компаниялари жамоалари зиммасига юкланган масъулият ҳақида ҳам алоҳида гапириб ўтиш лозим. Ҳар бир суғурта компанияси суғурталанувчиларга суғурта тушунчаси моҳиятини тушунтириб беришлари, аҳолига суғурта объектлари ва суғурта шакллари ҳамда муносабатларнинг субъектлари ҳақида мунтазам ахборот бериб боришлари даркор. Ўз навбатида юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзлари ҳам суғурта вакилларига учрашиб туришлари, улардан маслаҳатлар олишлари керак. Токи, ҳар бир суғурталанувчи суғурта таваккалчилиги (риски) ёхуд суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловларини амалга ошириш усулларини муфассал билишлари лозим. Бунинг учун суғурта пули, суғурта товони, суғурта таъминоти, суғурта тўловлари ҳамда тарифлари аҳоли орасида кенг тарғиб қилиниши, матбуотда суғурта шартномалари тузиш бўйича фуқароларга маслаҳатлар берилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар бир давлатнинг нобюджет ижтимоий фонд (жамғарма)ларининг асосий манбалари суғурта бадаллари ҳисобланади. Давлатнинг нобюджет жамғармаларига келиб тушадиган суғурта бадаллари деганда: мажбурий тўловлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибда ўтказиладиган маблағлар тушунилади.

Қонуний жиҳатдан олиб қараганда, суғурта бадаллари давлатнинг марказлашган даромадларига тушади. Ижтимоий суғуртанинг вазифаси — пенсия жамғармасини ташкил этиш, мажбурий тиббий суғурталанишни йўлга қўйиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлашни амалга оширишдир. Демак, суғурта хизмати ва суғурта ҳуқуқи деган тушунчалар замирида инсон ҳуқуқлари муҳофазаси ётади.

■ **Ҳабибулла БОЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети суғурта иши, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси кафедраси мудири, доцент, Мамадали ЭШНАЗАРОВ, шу кафедранинг катта ўқитувчиси.**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ОМАД ҚУВОНЧИ» АЗОБИДАН... ДОД!»

Газетамизнинг шу йил 4 июль сонида ушбу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада «Омад қувончи» пулбуюм лотереяси ўйини қатнашчилари ўз ютуқларини ололмай овора бўлиб юрганликлари ҳақида ёзилган эди.

Мақола юзасидан «Омад қувончи» фирма бош директори Н. Самибоева имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«... Ҳақиқатан ҳам икки-уч марталаб ютуғини сўраб келганлар ва келаётганлар бор. Аммо бир нарсага эътибор беришингизни сўраймиз. Лотерея ўйини Низомида ютуқ чиққан лотереялар бир ой муддатда экспертизадан ўтказилиши ва уч ой ичида ютуқ эгасига топширилиши назарда тутилган. Лекин айрим кишилар ютуқ чиққан заҳоти бизга келиб, ютуқни талаб қилиб, туриб олишади. Агар ўйинимиз иштирокчилари Низомда белгиланган вақтда ютуғини олмаса, унда биз айбдор бўламиз. Ваҳоланки, кўп одамлар биздан мамнун эканликларини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Шунга қарамай, айрим мухлисларимизни овора қилиб қўйган бўлсак узр сўраймиз. Ва ўйинимиз иштирокчилари бизга ишонишлари ва биз билан бирга бўлишларини сўраймиз».

ТАҲРИРИЯТДАН: Шунингдек, хат муаллифи айрим камчиликлар объектив сабабларга кўра бўлганлиги, бундан кейин ютуқни тўлаш тартибини соддалаштириш чора-тадбири кўрилишини ёзади.

Шу ўринда ўз ютуқларини ололмаётганидан шикоят қилаётганлар масаланинг бир жиҳатини тан олишлари лозимга ўхшайди. Низомда кўрсатилган муддат ҳамма учун баробар, албатта. Фақат бу ҳақда ўйин қатнашчиларига янада аниқроқ тушунтириб бориш керакка ўхшайди. Ўшанда ортиқча норозилик, янглишларга йўл қўйилмайди, деб ўйлаймиз.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Савдолар 2002 йил 14, 21 август кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 2 ва 4-манзилида жойлашган «Ўзбектрансқурилиш» уюшмасига қарашли «Касб-ҳунар мактаби» мулкий мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 59 661 000 сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Ички: 153
Факс: 136-06-17.
www.uzrkmb.com

ФУТБОЛ

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Октябрь ойида Қатарда ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси айни кунларда Эронда ўқув машғулотларида иштирок этаётганлигини хабар қилгандик. Футболчиларимиз эронлик тенгдошлари билан иккита ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Биринчи ўйинда ҳамюртларимиз ғалаба қозондилар — 3:2.

Сешанба куни бўлиб ўтган иккинчи учрашувда майдон эгалари ғолиб чиқишди — 2:1. Вакилларимиздан Владимир Аникин ягона тўп муаллифи бўлди.

INTER-SPORT

ФИФАДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

ФИФА бош котиби вазифасини бажарувчи Урс Линси мазкур ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича директори Кейт Куперни ишдан бўшатди. Бу воқеага ФИФАда олиб борилаётган қайта ташкиллаштириш жараёнининг бошланиши, деб қаралмоқда. Купер эса яқинда якунланган жаҳон чемпионатида матбуот ва алоқа ишларини намунали ташкил этган эди. «Ишдан бўшатилишим эса мен учун «совға» бўлиб турибди», деган фикрда у.

ОЛДИНДАН ПУЛ ЎТКАЗИШ

Югославияда биринчи лига футбол жамоалари мамлакат чемпионати бошланиши арафасида ҳар бир клубнинг ўз ҳисобига 150 минг евро ўтказиши лозим экан. Мақсад — ҳар бир жамоанинг молиявий барқарорлигини кафолатлаш. Шунингдек, мавсум мобайнида кутилмаган молиявий тақчилликларнинг олдини олишдан иборатдир.

СЕНЕГАЛ САРДОРИ АНГЛИЯДА

Сенегал футбол терма жамоаси сардори Алиу Сиссе Франциянинг «Пари Сен-Жермен» клубидан Англиянинг «Бирмингем Сити» жамоасига ўтди. Бу шартнома 1,5 миллион фунт стерлинг (2,31 миллион доллар) миқдорида амалга оширилди. Сенегал сардори 4 йил мобайнида инглиз клубида ўйнайди.

ЛЬЮИС КЛИЧКОНИ ХУШЛАМАДИ

Профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони Леннокс Льюис украиналик Владимир Кличко билан рингда учрашмоқчи эмаслигини маълум қилди. Чемпион: «Владимир мен билан жанг қилиш учун етарли кучга эга эмас. У билан жанг қилиш шунчаки вақт йўқотиш, холос» деган фикрда. Ваҳоланки, украиналик боксчи 29 июнда АҚШ вакили Рэя Мерсера билан жангнинг 6-раундида ғалаба қозонгандан кейин Леннокс билан учрашишга асосий даъвогарлардан саналади.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

УЙҚУДАГИ ОБИДА

АГАР ЎРГАНИЛСА, БИЗ БИЛМАГАН КЎПЛАБ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Улуғ тарихнавис олим Ҳофиз Абру (асл исми-шарифи Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфиллоҳ ал Хафофий — 1362-1431) «Ашкол-ал Ақолим» («Иқлимлар шакл-суратлари») асарида ёзишича (ЎзРФА Шарқшунослик институти фонди № 5361). Бурдоғўй Жайҳун канорида, Термиз мавзеларига туташган. Бурдоғўй — юнонча сўз бўлиб, «меҳмонхона» деган маънони англатади. Қадимда бу ерда калони кештибонлар (кемачиларнинг бошлиқлари) турган. Улар Жайҳундан кечувни бошқарганлар. Шу Бурдоғўйда султонларнинг сувдан ўтадиган — кечув жойи (гузаргоҳ) бўлган. Бурдоғўй атрофида чакалакзорлар кўп ва буларда шерлар бор, ёнида бошқа гузаргоҳ ҳам борки, унинг номи Калиф (Келиф)дир.

Қадимги Амударё бўйи Термиз яқинидаги кечиб ўтиш жойи Бурдоғўй, яъни Пайғамбар оролининг икки томони мазкур дарёнинг энг катта гузаргоҳларидан — кечувларидан ҳисобланади. Бу макон Фаёзтепанинг ғарбий томонидир.

Мазкур жой аҳолиси кечувни эҳтиёт қилиб сақлаганлари учун подшоҳлар уларга мурувват кўрсатиб, тархон (солиқ)дан озод қилганлар. Шу сабабли бу мавзе аҳолиси кўп ва хўжагонлари (хўжайинлари) бадавлат бўлган. Улар шу ердан ўтувчи ҳар бир сайёҳга бажонидил хизмат кўрсатган, бир кеча уйида меҳмон қилишиб, сўнгра кечувдан ўтказиб қўйишган. Сайёҳлар ҳам аҳолига саховат кўрсатишган.

Бизга Пайғамбар ороли деган ном билан танилган бу маскан ҳамиша Термиз шаҳрининг қисматига гувоҳ бўлиб келмоқда.

Бу оролнинг ўзига хос хислатлари бўлиб, ҳамиша одамларнинг диққатини жалб қилганлиги ҳам шу боис бўлса ажаб эмас.

Улкан Жайҳун дарёси шиддат билан оқади, аммо оролга 1-1,5 км. масофа қолганида сувнинг тезлиги ва шиддати анча пасаяди ва орол йирик кемадай сув оқимини иккига ажратади.

Дарёнинг суви тошганида ҳам орол сатҳига сув чиқиб, қамраб олмайди ва унинг қирғоқларини ювиб ҳам кетмайди.

Бир неча асрдан буён дарё суви тошганида фақат Пайғамбар оролидан бир неча чақирим ўтгач, соҳиллардан тошиб чиқади.

Бу оролга тарихда ўчмас из қолдирган шахслар ҳам ошуфта бўлишган. Хусусан, Ахмонийлар, Искандар, Қушонийлар ва ҳатто араблар ҳам маҳлиё бўлишган.

Араблар биринчи бор 667 йил Чағониёнга ҳужум қилишган. 10 йилдан сўнг 677 йили Хуросон ҳокими Саййид ибн Усмон худди шу орол орқали Балх томондан келиб, Термизни қўлга киритган. 689 йили Абу Абдуллоҳ бинни Хазин Абу Мусо Термизни босиб олади. Термиз шоҳларини қувиб юборади. Термизни (Тараматха) Мовароуннаҳрнинг бош шаҳри деб эълон қилади.

1363 йили Пайғамбар оролда 27 ёшли Соҳибқирон Амир Темур ватанни босқинчилардан озод этиш учун жанг қилишни режалаштиради. Мўғул босқинчиларидан қалблари нафратга тўлган Сиддиқ Баҳодир Барлос, Қозончи Баҳодир Барлос, Туғлуққўжа Барлос, Ҳожи Сайфиддин, Шербаҳром Ўлмас каби беклар келиб қўшилади. Етарлича куч тўплаган Темурбек Жайҳун дарёсининг ўртасида кўприк қуришга қулай орол орқали 50 га яқин кемаларда кечаси кечувдан ўтиб оролга тушади. Тарафдорлари кўпайганидан руҳланган ва шавкати ошганлигини сезган Темурбек ҳали дарёнинг нариги томонидаги Дарагез деган жойда эканидаёқ Мовароуннаҳрдаги вазиятни билиб келиш учун Тамука исмли одамини уч йигити билан жўнатади. Тамука ва шериклари Ҳиндистон карвонига қўшилиб тонг пайти дарё кечувидан ўтадилар. Карвон Термизда дам олиб ётганида Тамуканинг одамлари шаҳар кезишади. Улар ҳамма жойни кўриб, шаҳарда мўғуллар йўқлигини аниқлайдилар. Шунингдек, Кахалқага, яъни Темур дарвозагача ҳам бориб қайтадилар. Темурбек улардан Мовароуннаҳр тоғу даштларида мўғуллардан яшириниб юрган Сулаймон Барлос, Мусо Барлос, Жоқу Барлос, Жалолиддин Барлос каби амирларнинг Темурбекка қўшилиб душманга қарши курашиш учун Термизга келганликлари ҳақидаги хушхабарни ҳам эшитади. Бу муждалар Темурбекни қанотлантиради, кучига-куч қўшади. Мўғулларга қарши курашиш учун жангга ташаббускор бўлган Амир Ҳусайн дарёдан ўтмасдан Балхга йигитлари билан қайтиб кетади.

Дарҳақиқат, Темурбек юрт учун жонини фидо қилишга тайёр эди. Амир Ҳусайн эса манфаати тақозо этсагина жангга кирарди. Темурбек ватан озодлиги йўлида учрайдиган ҳар қандай ғовни енгиб ўтишга азму қарор қилган эди.

Темурбек Жайҳундан ўтиши билан Кахалқа томонга қоровул юборади. Темурбек барча келиб қўшилган бекларнинг лашкарини оролга кемалар билан келиб жойлаштиргунча анча чарчайди. Ўша кеча тун ярмидан оққанда қоровуллар ҳам донг қотиб ухлаб қолишади, ҳатто уларнинг ёнидан мўғуллар ўтиб кетаётганликларини ҳам сезишмайди. Шубҳасиз, булар мўғулларнинг хабарчи, яъни разведкачилари эди. Соҳибқирон Амир Темур қоровулга ишониб, унинг хабарига мунтазир бўлиб турганда тўсатдан душман лашкари тўда-тўда бўлиб кела бошлайди.

Бу ҳақда Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида шундай ҳикоя қилинади: «Амир Темур бундай вазиятда лашкарини тартибга солишга қодир эмас эди. Бирин-кетин ўзларини кемага ташлаб Омул (Жайҳун) сувидан ўтиб олдилар. Амир Темур Соҳибқирон андак лашкари билан орол ўртасида роса жанг қилди. Лашкарнинг ҳаммаси сувдан кечиб ўтгунича бир мунча вақт шу тарзда тўхтаб турди. Аммо, чодирлари юку анжомлари душман қўлида қолиб кетди. Сувдан ўтгандан кейин кемаларни қуйдирдилар».

Мўйиддин Натанзийнинг «Мунтахаб-ут Таворих» асарида: «Қоровуллар бошлиғи тажрибасиз одам бўлганидан, ғафлатда қолганлиги ва кутилмаганда амир Бекижоннинг иниси Ажуни лашкари билан қоровуллар турган жойга етиб келганликлари туфайли улар саросимага тушиб айримлари зўрға отларига миниб улгуришади. Ёғий (душман) лашкари уларни таъқиб қилади. Фурсат зиқ бўлганлиги боис, ясол, яъни лашкарни жанговар сафга сафарбар этишга имкон бўлмаганидан минг бир ҳийла билан ўзларини кемаларга отиб, Балх томонга кирғоққа чиқиб олишади».

Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романида: «Шундан кейин бирдан душманнинг қоровули лашкаргоҳнинг барини босди. Тўс-тўполон, ғий-чув кўтарилди. Темурбекнинг одамлари қўлига нима тушса шуни олиб ўзини чодирдан ташқарига отди, лекин душман устунлик қилди ва уларни дарё бўйига суриб борди. Оролда бўлган тунгги жангда Темурбек қарийб ярим одамидан ажралади. Омон қолган кимдир қирғоқда турган кемаларга тушиб, кимдир гупсарига ўтириб Жайҳуннинг нариги соҳилига ўтиб олди. Ўшанда ўтлашга қўйиб юборилган отуловлар ҳам, чодирлар ҳам, унинг ичидаги нарсалар ҳам ҳаммаси душман қўлига ўлжа бўлиб тушди. Темурбек душман фойдаланмасин, деб соҳилдаги барча кемаларни ёқтириб юборади».

Соҳибқирон Амир Темур Тузукларидан: «Термиз кечувидан нариги қирғоққа ўтгач, Кахалқа қалъаси тарафига қоровуллар юбордим ва қоровуллар олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим.

Менинг бу ерга келганим хабари Илёсхожа (мўғул хони)га эшитилгач, Бекижоннинг иниси Ажуни баҳодирни катта қўшин билан устимга юборди. Қоровулларим ғафлат уйқусида қолган эканлар, уларнинг ёнидан, фақат кечалари ҳаракат қилиб, тун қоронғусида тўсатдан ҳужум қилдилар».

Ушбу қонли жанг тафсилотини қисқа-қисқа ҳикоя қилган турли манбалар бир-бирини, албатта тўлдиради. Пайғамбар оролининг ҳар қарич тупроғини тавоф қилишга ундайди, бизни. Шафқатсиз жанг бўлган ва шаҳидлар абадий қолиб кетган жойларни табиат аллақачон чанг-ғуборлар, ўт-ўланлар билан текислаб юборган. Оролдаги қароргоҳлар, карвон йўллари ўрнида ўтиб бўлмас тўқайзору чакалакзор ўрмонлар чайқалиб турибди. Ҳаёт ўша замонлардан буён неча бор янгиланиб улгурди. Пайғамбар оролида бўлган ўша жангу жадалнинг ҳамда ушбу тўрт минг гектарлик майдон XX асрнинг 60-йилларида «Табиат қўриқхонаси» деб эълон қилинди.

Замонларнинг тўфонини кўрган Зул Кифл мақбарасигина ҳамон мунғайиб турибди. Ушбу мақбара илк ислом меъморчилиги маданиятининг Мовароуннаҳрдаги намунасидир. Саксовулзор саҳрода маскан тутган Зул Кифл мақбараси ёввойилик ва ваҳшийлик бағридан дафъатан лоп этиб кўзга ташланади.

Минг йиллик ушбу обида бизга ўтмиш ҳақида ҳикоя қилаётгандай.

Ҳа, Зул Кифл бобо ўтмиш ҳодисалардан сўзлаётгандек туюлади, бизга. Пайғамбар оролидаги жангдан кейин омон қолган аскарларини Ҳулм (Афғонистондаги шаҳар)га пиёда етаклаб кетган Темурбек бу кўргиликдан улкан сабоқ чиқариб, куч тўплаб, яна Жайҳунни кечиб ўтиб уч бора мўғулларга қирон келтиради. Кейинги йиллари эса ҳар доим ғалабаларнинг илк нашидасини ҳамиша Термиз ва Пайғамбар оролида сурган. Мовароуннаҳрни бирлаштириб, ягона Буюк империя тузган, кўпдан-кўп зафарли юришларига Термиз орқали ўтган 1399 йилнинг баҳорида эса Ҳиндистон фатҳидан қайтишда Султон Саодат, Ҳаким ат-Термизий зиёратларидан сўнг қайиқ билан Пайғамбар оролига ўтади. Навқирон ёшлик пайтларида жанг қилган жойларини кўради. Соҳибқирон топшириғи билан кун бўйи қорилар Зул Кифл мақбараси қошида Қуръон тиловат қиладилар.

Зул Кифл бобо биз ҳали англаб етмаган яна кўплаб воқеаларни ҳам айта олади. Ёзувчи Менгзиё Сафаров «Она ер қўшиғи» романида шундай деган эди: «Бу ерда тарих мудраб ётибди, хайрихоҳ қалбли кўзлар бир лаҳза назар солиши билан у замонлар чанг-ғуборини қоқиб касалманд қариядек бўкик қаддини кўтаради».

■ **Асқар Ғойиб РАЖАБ ўғли, Зокиржон Ғойиб МАҲМУД ўғли Термизий**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 24.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Муҳтарам юртдошлар! Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб, янги

«МУСТАҚИЛЛИК»

қисқа муддатли, ютуқли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 60 КУН муддатга қабул қилиниб, ЙИЛЛИК 36 ФОИЗ миқдорида даромад тўланади.

Сиз омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда 10 МИНГ СЎМдан 1 000 000 СЎМгача бўлган ютуқ совриндорларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз.

«Мустақиллик» омонатига пул маблағлари шу йилнинг 10 сентябрига қадар Халқ банкининг барча бўлимлари ва шаҳобчалари орқали қабул қилинади.

Ютуқ эгалари жорий йил сентябрь ойининг охирги ўн кунлигида аниқланади.

«Мустақиллик» оилангиз фаровонлиги мезонидир!

ХАЛҚ БАНКИ — АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ОАО «ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН» СООБЩАЕТ:

Решение общего собрания. Порядковый номер сообщения — 09.

Вид общего собрания — годовое.

Форма проведения общего собрания — очная.

Дата проведения общего собрания — 28 июня 2002 года.

Место проведения общего собрания — г. Ташкент, ул. Проектная, Г-24.

Присутствовало — 41 человек — 116544 голосов.

Кворум — 90,6%.

Вопросы, поставленные на голосования и итоги голосования по ним.

1. Доклад Председателя Правления ОАО «Темирйўлтаъмин» о результатах финансово-хозяйственной деятельности предприятия по итогам 2001 года и основных направлениях развития Общества на 2002 год.

Проголосовали — единогласно.

Постановили: признать работу ОАО «Темирйўлтаъмин» удовлетворительной.

2. Утверждение годового отчета и бухгалтерского баланса.

Проголосовали — единогласно.

Постановили: утвердить годовой отчет и бухгалтерский баланс за 2001 год.

3. Утверждение заключения аудиторской проверки. Утверждение аудитора на 2002 год.

Проголосовали: за — 100479 голосов, против — 16065 голосов.

Постановили: утвердить заключение аудиторской проверки за 2001 год и аудитора на 2002 год.

4. Отчет Ревизионной комиссии.

Проголосовали — единогласно.

Постановили: утвердить отчет ревизионной комиссии.

5. Утверждение статей распределения прибыли и размера годовых дивидендов.

Проголосовали: за — 116044 голосов, против — 500 голосов.

Постановили: утвердить статьи распределения прибыли и размер годовых дивидендов.

6. Утверждение новых членов Правления Общества.

Проголосовали — единогласно.

Постановили: утвердить в составе Правления кандидатуры: Кулабеков М.Т., Умаров С.Ш., Рахимов А.О.

Начисление и выплата доходов по ценным бумагам.

Порядковый номер сообщения — 05.

Вид ценных бумаг — акция простая именная безналичная.

Дата принятия решения о выплате дивидендов — 28 июня 2002 года, срок выплаты дивидендов — 60 дней со дня принятия решения — 27 августа 2002 года.

Орган, принявший решение о выплате дивидендов: годовое общее собрание акционеров.

Размер дивиденда, выплачиваемого на одну акцию — 131 сум.

Общее количество акций — 128519 штук.

Форма выплаты начисленных доходов — наличная, перечислением.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

«TADBIRKOR»

Universal ko'chmas mulk, tovar, xom ashyo fond Birjasi» ma'suliyati cheklangan jamiyati 2002 йил 13 август, 20 август кунлари кимошди савдоларини ўтказади.

Савдога:

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 Е 2759, бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм бўлган «Ниссан-Максима» автотранспорт воситаси қўйилади.

Савдо соат 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати. Телефон: 144-61-59.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан Кутбиҳўжаев Ҳабибулла Бобохонович номига берилган хусусий тадбиркор гувоҳномаси **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси партия Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби Ж.К.Нуруллаевга турмуш ўртоғи **Татьяна Абдуллаевна НУРУЛЛАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Мукимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси бастакор ва дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти, профессор **Наби ХАЛИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.